

OrientationweekTIAAME2019 Лойиҳаси 4-якуний кун ўз якунига етди. Муваффақиятли якун!

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти "Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш" факултети 1-босқич талабалари учун ташкил этилган "Таништирув ҳафталиги #OrientationweekTIAAME2019" лойиҳаси 4-кун я'ни, якуний кун ҳам ўз ниҳоясига етди. Дастлаб, Тасдиқланган дастур асосида институт Халқаро Ҳамкорлик бўлими, Халқаро грантлар, лойиҳалар, хорижий олий та'лим муассасалари билан ҳамкорлик ҳақида талабаларга ма'лумот беришди. Юқоридаги мавзулар юзасидан Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича Президент стипендияси соҳиби, IEITS 7 Сертификатига эга бўлган Докторант Маманбек Рейимов ҳамда Халқаро ҳамкорлик бўлими мутахассислари ўз тақдимотларини 1-босқич талабалар эътиборига ҳавола этишди. 1-жуфлтик ярмида Филология фанлари номзоди, доцент, Республика Маънавият ва Маърифат тарғиботчиси Раҳимбой Жуманиёзов билан давра суҳбати ўтказилди. Нотиқ 1-босқич талабаларига ўзининг самимий тилакларини билдириб, нотиқлик санъати ҳақида оз бўлсада, тушунча бериб, талабаларни хурсанд айлади. Шундан сўнг #OrientationweekTIAAME2019 лойиҳаси якунланиши тадбири бўлиб ўтди. Тадбирни Институт Илмий ишлар ва инноватсиялар бўйича проректори, техника фанлари доктори, профессор Султанов Тохир Зокирович очиб берди. 1-босқич Талабаларга ўзининг самимий тилакларини билдириб, талабалик бахти билан табриклади.



Проректоримиз институтда амалга оширилаётган ислоҳотлар, профессор-ўқитувчилар салоҳияти, маҳаллий ва хорижий рейтингда институтнинг тутган ўрни, илмий йўналишдаги танловлар, институт ёшлари илмий ва инноватсион фаолияти, тижоратлаштириш йўналишлари ҳақидаги ўз тақдимоти билан 1-босқич талабалари ва йиғилганларга маълумот берди. Тадбир сўнгида илмий ишлар ва инноватсиялар бўйича проректор О-week-TIAAME лойиҳаси ташкилотчиларининг бир гуруҳини институт раҳбарияти номидан тақдирлади ва талабалар ичига яна бир бор кириб барча модераторларни, фасилитаторларни чақириб, олқишлади, эсдалик учун суръатга тушилди. 1-босқичлар учун алоҳида тақдимот қилиб, вақтларини аямай ташриф буюрган илмий ишлар ва инноватсиялар бўйича проректоримизга алоҳида раҳмат, ёшлар номидан. Барча ташкилий ишчи гуруҳ аъзоларига, институт раҳбариятига, "Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш" факултети раҳбариятига ва барчага шароит ва қўллаб-қувватлаш учун талабалар номидан раҳмат айтамин. Муҳими, проректоримиз бизнинг талабаларга ўз тақдимотларини намойиш этиб бердилар. Бизнинг лойиҳада иштирок этган барча 1-босқич талабалари ўқув жараёнига тайёр. Барча хурсанд ва миннатдор.



Талабалар олий та'лим муассасасидан чиқиб, Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларига Мустақиллик майдони, Сайлгоҳ кўчаси, Амир Темур хиёбони ва бошқа жойларига саёҳат қилишди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти "Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш" факултети 1-босқич талабалари учун ташкил этилган #OrientationweekTIAAME2019 лойиҳаси якунланди. Барча 1-босқич талабалари ташкилотчиларга, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва институт раҳбариятига миннатдорчилик билдиришди. Биз бошқа катта лойиҳаларни амалга оширишда давом этамин бизни кузатиб боринг. ҲУРМАТ БИЛАН ТИИАМЕ ёшлари. Талабаларга эътибор келажакга эътибор.

Институт Матбуот хизмати раҳбари Р. Жуманиёзов